Ушбу сонда:
2 ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЁРДАМЧИСИ, МАСЛАҲАТГЎЙИ, МАСЛАКДОШИ
3 НАВОИЙХОНЛИК
4 *Санъат халқ билан* ОРОМБАХШ НАВОЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 январ, жума №15 (1029)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*2001 yil — Onalar va bolalar yili*



# «КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУС ГУРУҲИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги учрашувимиздан мақсад — жамиятимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ёшлар тарбияси, бу борада олдимизда турган вазифалар ҳақида сизлар билан ҳар томонлама фикрлашиб олишдан иборат.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман.

Бу ишларнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимизда нечоғли улкан аҳамиятга эга эканини тасаввур этиш учун ўзимизга бир савол беришимиз табиий, деб ўйлайман: нега бу масалага бугунги кунда бундай улкан аҳамият ва эътибор бермоқдамиз?

Чунки юртимизда яшаётган, ўзининг, ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир одам, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларим, аввало, ўрнимни босадиган фарзандим учун, зурёдларимнинг бахту саодати учун, деб билади.

Шу ният билан дарахт экади, уй қуради, фарзандига керак бўлса, бутун борлиғини бағишлайди. Бола тарбиясини, унинг келажакда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, камол топишини ўз умрининг мазмуни деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг озод ва обод Ватан, фуқаролик жамияти барпо этиш, тараққий топган давлатлар ва халқлар қаторига кўтарилишдек улуғ мақсадларимиз, ҳеч шубҳасиз, мана шу олижаноб вазифани нечоғли оқилона амалга оширишимизга боғлиқ эканини чуқур англаб олишимиз даркор.

Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади.

Миллий манфаатларимиз ва мақсад-муддаоларимизга бегона бўлган бундай зарарли мафкуралар тажовузи, бошқа хавф-хатарлар, айниқса, бизнинг минтақамизда кучайиб бормоқда.

Биз бу аччиқ ҳақиқатни турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли марказларнинг вайронкор хатти-ҳаракатлари мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бутун дунёда глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги даврда бундай кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай усулларни ишга солмоқда.



Улар бу борада жуда катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётларидан, бизнинг моддий ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткинчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқда.

Бугун тобора такомиллашиб, ҳаётимизга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва интернет каби замонавий воситаларни ҳам ўзининг разил ниятлари йўлида маккорлик билан ишлатишга ҳаракат қилмоқда.

Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса, уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозим.

Энг муҳими, шуни унутмаслигимиз керакки, ёшларимизга, бинобарин, келажагимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Мен «етаклаш» деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки, ҳаётга энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий-устозга муҳтож бўлади.

Биз — табиатан очиқкўнгил, самимий халқмиз. Лекин бундай хавф-хатарларга соддадиллик билан, юзаки тушунчалар билан қарши туриб, курашиб бўлмайди.

Ёш авлодимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун курашда биз қуйидаги икки йўналишни энг муҳим ва ҳал қилувчи мақсад сифатида белгилаб, уларни бир-бирига уйғунлаштиришимиз лозим.

Бу йўналишнинг биринчиси — халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари ва тилига, динига, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккурига асосланиш бўлса, иккинчиси — умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянишдир.

Барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз керакки, биз давлатимиз ва жамиятимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Бу келажакни биз тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамиятнинг бошқариш усулларини, инсон эркинликлари ва ҳурфикрлиликни тафаккуримизга, ўз ҳаётимизга жорий қилишда кўрамиз.

Яъни, биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш тарафдоримиз.

Биз учун мана шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мана шу руҳда, шундай тамойил ва йўналишларга таяниб, ўз болаларимизни, янги авлодни тарбиялашимиз зарур. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англаб олишимиз, уни ёшларимиз онгига ҳам сингдиришимиз керак.

Бу хусусдаги фикрларга хулоса ясаб, шуни айтмоқчиманки, Ватанимизнинг эртанги кунини, шунча машаққатлар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини кўрмоқчи бўлган, ўз зурёдларининг бахту иқболини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъи назар, бу масаладан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз юртимизда олиб борилаётган таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларга, шу соҳага дахлдор бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятига ҳам айнан ана шу нуқтаи назардан баҳо беришимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил муқаддам яхши орзу-умидлар билан ёшларимизнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга кўмак берадиган ташкилот тузиш мақсадида «Камолот» жамғармасини ташкил этган эдик.

Ўтган вақт мобайнида бу жамғарма муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, афсуски, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва очиқ айтишимиз керак, шу масалага барчамиз етарли эътибор бермаганимиз натижасида «Камолот» ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчиси ва ҳимоячисига айлана олмади.

Ҳолбуки, бу ташкилотнинг фаолият бошлаши, оёққа туриб олиши учун ўз вақтида давлат томонидан катта маблағ ажратилган ва кўмак берилган эди.

Хўш, бугун Жамғармадаги вазият, аввало, унинг ёшларимизга таъсири қай аҳволда?

Жамғарманинг 57 киши ишлайдиган марказий идораси, вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, жойларда, корхона ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган шохобчалари бор. Уларнинг молиявий манбаи асосан Жамғарма ихтиёридаги айрим биноларни ижарага беришдан келадиган маблағлардан иборат.

Дейлик, ана шу қуйи ташкилотлар бугун бирон-бир ёрдам сўраб келса, «Камолот»нинг марказий идораси уларга қандайдир амалий кўмак бера оладими? Афсуски, йўқ. Чунки, Жамғарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёшларни юксак мақсадларга даъват этиш, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган.

Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан холи, яъни жамғарма сифатида тузилган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсомол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мафкура асоратларидан ёшларни халос қилиш эди. Бироқ бу — Жамғарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмас-ку!

«Камолот»нинг яқинда сўнгги ташкилий анжуман-мажлиси бўлиб ўтди ва унинг янги раҳбари сайланди. Лекин бир савол туғилади. Бу анжуманда кимлар иштирок этди? Аввало, ёшларимизнинг ишончини қозонган ва ваколатларини олган, бошқача айтганда, кенг қатламдаги навқирон авлод вакиллари қатнашдими, йўқми?

Бир сўз билан айтганда, «Камолот» ташкилоти бугунги кунда том маънода ёшларимизнинг ғам-ташвишларига шерик бўлишда, уларнинг орзу-умидлари ушалишида, оғирини енгил қилишда, ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали ҳаётда ўғил-қизларимизнинг ўз муносиб ўрнини топишида қандай хизмат қилмоқда? Ва замон талабларига Жамғарма ҳозирги шаклида қандай жавоб бериши мумкин, деган ўй-фикрлар барчамизни безовта қилиши табиийдир.

Мана шундай оғир, лекин ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган савол ва муаммоларни ечиш вақти келди, деб ўйлайман.

Ёшларимизни ўз бағрига оладиган янги ташкилот тузиш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, у аввалги ёшлар идораларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши керак?

Бу ташкилот ўз олдига қандай долзарб ва устувор мақсадларни қўйиши, унинг муассис ва ҳомийлари кимлар бўлиши, энг муҳими, бу ташкилотнинг жамият ҳаётига таъсир этиш воситалари қандай бўлиши лозим?

У мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларининг талабалари орасида, хўжалик ва корхоналарда, ҳарбий қисмларда қандай иш олиб боради, ёшларнинг манфаатларини қандай ҳимоя қилади?

Бугунги куннинг энг оғир муаммоларидан бири бўлган — иш қидириб, касб ўрганиш умидида юрган ёшларимизга қандай амалий ёрдам бера олади?

Бундай ҳаётий саволларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, биз бу масалани ёшларга дахлдор расмий ва норасмий идоралар вакиллари ва тегишли мутахассислар иштирокида кўпдан бери муҳокама қилиб келмоқдамиз. Мазкур ташкилотни шакллантириш борасида турли мулоҳазалар, ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилмоқда.

Бу борада янги ташкилотнинг сиёсий ва ижтимоий шакли — қиёфаси ҳақида, сиёсий партиялар билан муносабати, сайловлар ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этиб, ҳокимият идораларида ўз вакилларига эга бўлиш учун кураш олиб бориши ва ҳоказолар ҳақида билдирилган турли хил фикр-мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бунга тескари бўлган фикр ва таклифлар, яъни бу ташкилот мутлақо сиёсатдан холи бўлиб, ўз фаолиятини, аввало, ёшларнинг ижтимоий муаммоларига йўналтириши, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришда ўз ўрнини топиши зарур, деган қарашлар ҳам олдинга сурилмоқда.

Бир-биридан кескин фарқ қиладиган бундай таклиф ва мулоҳазалар атрофида, жумладан, янги ташкилотнинг мақоми қандай бўлади, яъни у давлат ташкилоти ёки жамоат бирлашмаси сифатида фаолият юритадими, у ёшларнинг эътибор ва интилишини нима ҳисобидан ўзига жалб этади, унга қандай имтиёзлар берилади, ташкилий тузилиши, молиявий манбалари, унга аъзо бўлиш, аъзолик бадаллари тўлаш тартиби каби масалалар бўйича бўлиб ўтаётган кўп-кўп тортишувлар, баҳс-мунозаралар бу ўта муҳим масалани ойдинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу борада ривожланган мамлакатлардаги мавжуд ёшлар ташкилотлари, шунингдек, халқаро ёшлар тузилмаларининг ташкилий тузилиши, асосий мақсад-вазифалари ҳам ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ҳисобга олинмоқда.

**Қисқа қилиб айтганда, бир нарса барчамизга аён бўлиши керак: ёшларимизни ўз сафига бирлаштирадиган ҳаракат ёки ташкилот тузишни замоннинг ўзи олдимизга энг кескин ва долзарб масала тариқасида қўймоқда. Лекин бундай ташкилотнинг юзага келишини, аввало, ёшларимизнинг ўз хоҳиш-иродаси, уларнинг ҳаёт режалари, ташвиш-армонлари, орзу-умидлари асосида амалга ошириш даркор.**

**Яна ва яна шуни таъкидлаб айтмоқчиман: ёшлар учун хизмат қиладиган, уларнинг манфаатини кўзлайдиган ва ҳимоя этадиган, уларнинг номидан иш юритадиган ташкилот тепадан туриб эмас, балки бевосита йигит-қизларимизнинг ўз ташаббуси ва хоҳиш-иродаси билан, уларнинг талабларини инобатга олган ҳолда тузилиши керак.** Шундан кейингина демократик тамойиллар, демократик қадриятлар ҳақида гапириш мумкин.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар, яъни янги Ҳаракатни тузиш жараёнининг дастлабки босқичи бу борадаги кўп масалалар устида чуқур ўйлаб, кейин уларнинг ечимига қўл уриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ўйлайманки, ёшларнинг янги тузилажак ташкилоти — у уюшма ёки ижтимоий ҳаракат деб

***(Давоми 2-бетда).***

***24 январ куни Тошкентда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, муассаса, ташкилот, олий ўқув юртлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этди.***

***Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

# ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини алоҳида таъкидлади. Ёрқин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиш ва ақл-идрокига боғлиқ, деди Президент. Шу сабабли истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мазкур масалага жиддий эътибор қаратилди ва бу ишлар бугунги кунда янада кучайтирилмоқда. Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия олишига етарли шароит яратиш мақсадида мамлакатимизда турли жамғармалар, ташкилотлар тузилди. Бугунги кунда айнан шундай муассасаларимиз кўмагида ёшларимиз хорижга ўқиш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишга муяссар бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши ҳаёт қуриш, фаровон турмуш кечириши учун яратилаётган имкониятлар кенгайиб бораётир.

Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлсада, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Йиғилишда Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, айни пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай сусткашлик, камчилик келажакка берилган зарбага тенг, дейиш мумкин.

Шу ўринда жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим бўшлиқлар вужудга келганини айтиб ўтиш жоиз. Айнан шундай бўшлиқлар сабаб баъзи ёшларнинг ҳар хил диний-экстремистик, террорчилик оқимлари таъсирига берилишига йўл қўйилди. Бу эса асло кечирилмас ҳолдир. Кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг маънавиятини бузади, уларни азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзларининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилишга уринади, деди давлатимиз раҳбари.

***(Давоми 3-бетда).***

# ТЕМИР ЙЎЛ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

***Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон учун эса у янада катта аҳамиятга эга. Зеро, темир йўл транспорти республикамизни жаҳон иқтисодиёти билан боғловчи асосий воситадир.***

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юк ташишнинг 66 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса қарийб 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда, ушбу тармоқ йирик табиий монополия бўлиб, унинг бозор шароитида самарали ишлаши иқтисодий ислоҳотларнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, 25 январ куни Оқсаройда темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда соҳани ислоҳ қилиш чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари темир йўл транспорти энг йирик табиий монополиялардан бири эканлигини таъкидлади. У ўзига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш корхоналари мажмуини, шунингдек, турли тоифадаги ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-маданий муассасаларнинг йирик тармоғини жамлаган улкан тузилмадир. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибига кирувчи тузилмаларнинг хилма-хиллиги, бошқарув тизимининг самарасизлиги, молиялаш тамойилларининг ноаниқлиги ва бошқа сабаблар шунга олиб келдики, компания фаолияти борган сари кам самара бермоқда.

Шундай экан, тармоқни тубдан янгилаш, бозор шароитида ишлашга мослаштириш учун нималар қилиш керак? Ўтган йили мамлакатимиз Президенти топшириғига биноан соҳани реструктризация қилиш бўйича тузилган ҳукумат комиссияси мазкур саволга жавоб топиши лозим эди. Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов раҳбарлик қилди.

Кенгаш иштирокчиларини ҳукумат комиссияси ишининг натижалари билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқарувининг раиси Р.Зоҳидов таништирди. Комиссия соҳани бошқариш тамойилларини ўзгартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, тартибга солиш ва хўжалик функцияларини ажратишга доир таклифлар тайёрлади. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг хорижий сармояларни кўпроқ жалб этишга доир тадбирларга алоҳида эътиборини қаратди.

Бироқ, давлатимиз раҳбарининг фикрича, таклиф этилган концепцияда мавжуд муаммога кўп жиҳатдан юзаки ёндашиш сезилади. Талай муҳим жиҳатлар суст ишлаб чиқилган, дастур умуман олиб қаралганда, республика темир йўл транспорти фаолиятини қай тарзда яхшилаш лозимлиги ҳақида аниқ тасаввур бермайди. Зеро, дастурда соҳани ислоҳ қилиш жараёни моҳиятини белгилаб берувчи мақсадли вазифалар ўз аксини топмаган.

***(Давоми 3-бетда).***

# «КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУС ГУРУҲИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

*(Боши 1-бетда)*

аталадими, бундан қатъи назар, ўз фаолиятида, биринчи галда ёшлар олдида турган энг долзарб масалаларга эътибор қаратиши керак бўлади.

Агар бу тўғрида менинг фикримни сўрасангиз, мен аввало «Камолот» номини сақлаб қолишни, **шу ном билан аталадиган янги ташкилотни эса Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаракати сифатида ташкил этишни, унга ҳеч қандай мафкуравий вазифа юкламасликни таклиф қилган бўлур эдим.**

Бу ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос қиёфаси, фаолият йўналиши ҳақида гап борар экан, у ёшларни қандай манфаат ва мақсадлар асосида ўзига тортиши, бирлаштириши тўғрисида ўйлаш лозим.

**Менинг фикримча, Ҳаракатнинг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишдан, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор.**

Азиз дўстлар!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизни минг йиллардан буён ҳукм суриб келаётган баъзи бир ҳаётий мезонлар, агар таъбир ўринли бўлса, ҳаёт фалсафасининг айрим қирралари ҳақида фикр алмашишга даъват этмоқчиман.

Истаймизми-йўқми, **инсон ҳаётида манфаат** масаласи кўп нарсани ҳал қилади. Биз буни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилиб, тан олишимиз керак.

Шунинг учун ҳар бир йигит-қиз бу ташкилот сафига киришдан олдин беихтиёр, мен бу ҳаракатга аъзо бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан нима манфаат топаман, у ўзлигимни англашимда, ҳаётда кўзлаган мақсадларимга эришишда, Оллоҳ таоло менга берган ақл-заковат, куч-ғайратни намоён этишимда қандай имкониятлар беради, дея фикр юритади.

Шуни ҳам ҳисобга олишимиз керакки, бугунги ёш авлод бундан ўн-ўн беш йил олдинги ёшлардан мутлақо фарқ қилади.

Мана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, бу Ҳаракатни тузиш ташаббускорлари, менинг назаримда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши зарур.

**Биринчидан,** биз мана шу ташкилий жараёнда навқирон авлоднинг ўз салоҳиятини, айниқса, ёшликка хос жўшқин, табиий соғлом интилишларни рўёбга чиқаришида бу Ҳаракат қандай имкониятлар яратиб бера олишини аниқ тасаввур этишимиз лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ҳаракат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва суянч бўлиши, ёшларнинг бошига турли синовлар тушганда, дейлик, моддий-маънавий мададга муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаши даркор.

Энг асосийси, бу Ҳаракат ҳаётда учраб туриши табиий бўлган турли тўсиқлар, муаммо ва қийинчиликлар туфайли ёшлар кайфиятининг, ёшлар дунёқарашининг салбий томонга ўзгаришига, уларнинг тушкунликка берилишига, номаъқул йўлларга кириб кетишига йўл қўймайдиган, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмирлар учун ҳимоя ва мадад бўладиган бир ташкилот бўлиши лозим.

**Иккинчидан,** одамзот ўзининг эзгу мақсадларига асосан жамоа бўлиб эришган, ўз бошига тушган кулфатларни ҳамиша биргалашиб енгган. Бу ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун бугунги кунда ҳам инсоният ўз олижаноб орзу-умидларига етиб боришда бирга, ҳамкорликда ҳаракат қилиб, кўп-кўп ютуқларни қўлга киритаётган экан, ўйлайманки, ёшларимизнинг ҳам мана шу ҳаракат сафида бирлашиши уларнинг бир-бирига мадад бўлиб, елкадош бўлиб, катта куч бўлиб шаклланишида ижобий натижалар бериши муқаррар.

**Учинчидан,** ҳаммамиз яхши биламизки, ўсиб-улғайиш жараёнида болалар орасида табиий етакчилар пайдо бўлади. Бу — ёшликнинг ўзига хос қонунияти бўлиб, улар бошқа болалардан ўз кучи ва қобилияти билан ажралиб туради. Болаларнинг аксарияти, истаса-истамаса, уларни тан олади, уларга яқин бўлишга, атрофида жипслашишга, хатти-ҳаракатларидан ибрат олишга интилади. Бундай ҳол барча ота-оналарга ҳам ёқавермаслиги мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, яна такрорлаб айтаман, ҳаётнинг қонунияти шундай.

Бундан чиқадиган ҳаётий муҳим хулоса шуки, биз ёшларни бир ташкилот атрофида бирлаштиришда, аввало, ана шу етакчиларнинг кучи ва салоҳиятидан оқилона фойдаланишни ўйлашимиз, табиатан етакчи бўлиб туғилган бундай болаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг қайнаб турган куч-ғайратини соғлом ўзанга қаратишимиз, жамоатчилик ўртасида танитиб, фаолиятига расмий тус беришимиз, интилишларини ижобий томонга буриб юборишимиз керак.

Ана шунда бу етакчилар атрофида ёшлар янада кўпроқ бирлашади. Давлатимиз, жамиятимиз, ота-оналар ҳам бунга йўл очиб бериши лозим. Чунки бундан ҳамма — жамоатчилик ҳам, ота-оналар ҳам манфаатдор бўлади. Ўшанда бундай етакчилар ўзларининг турли йиғилиш ва учрашувларини кўпқаватли уйларнинг подваллари ёки пана-пастқам жойларда, яширин тарзда эмас, ошкора ўтказадиган бўлади.

**Тўртинчидан,** одатда ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил ҳаётга кириб келар экан, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга ҳаракат қилади. Шу маънода, ташкил этилаётган бу Ҳаракат ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда ҳам муҳим ўрин тутиши керак.

Ишсизлик муаммосини ечишда, ёшларни турли касб-ҳунарларга йўналтиришда, улар учун янги иш ўринлари ташкил этишда, чет элларга ўқишга ва ишга юборишда ҳам бу ташкилот муайян ваколат ва имкониятларга эга бўлиши лозим.

**Бешинчидан,** бу ташкилот ҳозирги мураккаб шароитда ёшларни нафақат ёт мафкуралар, диний экстремизм ва терроргчилик, гиёҳвандлик каби ташқи таъсирлардан, балки ўзимиздаги ички хавф-хатарлар — тўрачилик, сансоларлик, маҳаллийчилик, боқибеғамлик каби иллатлардан асрашда ҳам фаоллик кўрсатиши керак.

Мазкур ташкилот ўз аъзоларининг қобилият ва истеъдодини кузатиб бориш, уни тарбиялаб рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билиши лозим.

Айтайлик, бугунги кунда ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли олимпиада ва универсиадалар, «Умид» жамғармаси грантлари, Зулфия ва «Ниҳол» мукофотлари, вилоятлардаги турли кўрик-танловлар, фестиваллар учун ажратиладиган маблағлар мана шу Ҳаракат орқали ўтиши ва уларнинг аниқ ижроси бўйича бутун масъулият ушбу ташкилот зиммасига юклатилиши, менинг фикримча, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу сабабли Ҳаракат Низомида бу вазифаларни амалга ошириш учун унга давлат ташкилотлари томонидан тегишли маблағ ва ташкилий жиҳатдан кўмак бериб турилиши аниқ-равшан кўрсатилиши зарур.

**Олтинчидан,** биз оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини, деб биламиз. Бу масалага давлатимиз масъулият билан қараб, катта ишларни амалга оширмоқда.

Лекин ёш йигит-қизлар турмуш қураётган пайтда мураккаб ҳаётий синовлардан ўтади, шу даврда ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлади. Ҳаракат бу муҳтожликни сезгирлик билан пайқаб, ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи, деб билиши, шу мақсадда «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

Шу билан кифояланиб қолмасдан, Ҳаракат бу борада парламент ва давлат идоралари олдига талаб қўйиб, тегишли қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорларнинг қабул қилинишида ёшлар манфаатини кўзлаб фаолият юритса, ҳар томонлама фойдали бир ишни бошлаган бўлар эдик.

Кези келганда ҳаммамиз ҳам бошимиздан кечирган бир ҳолатни айтиб ўтсам. Ёш оиланинг оёққа туриб олиши осон эмас.

Кўп-кўп мисолларга, керак бўлса, ўзимизнинг бошимиздан ўтган синовларга суяниб айтадиган бўлсак, ёш рўзғорни энг зарур нарсалар билан бир қадар бутлаб олиш учун камида етти-ўн йил ўтиши муқаррар.

Демоқчиманки, Ҳаракат эндигина турмуш қурган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтайлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиши ўринли, деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айни пайтда уларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши муқаррар.

**Еттинчидан,** мен Ҳаракатнинг яна бир вазифасини шундай тушунаман: олий ўқув юртларини битириб, эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилишида, лавозим нуқтаи назаридан ўсишида уларга ишонч билдириш, ёрдам бериш борасида ҳам бу ташкилот асосий ташаббускор бўлиши керак. Ёш кадрларнинг ҳаётга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймаслик, уларнинг қобилиятини, эришаётган ютуқларини доимо кузатиб бориш усул-услубларини, бугунги тил билан айтганда, мониторингини ташкил қилиш зарур.

Шубҳа йўққи, шу каби ваколат ва имкониятларни Ҳаракат тасарруфига берсак, энг муҳими, бу ваколат ва имкониятлар қоғозда қолмасдан, уларни амалда, ҳаётда рўёбга чиқаришга давлатимиз, жамиятимиз етарли ёрдамини берса, ўғил-қизларимиз бу ташкилот тимсолида ўз келажагини кўради, табиий равишда унга интилади.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёшларга биринчи навбатда нима керак? **Эътибор керак. Бу эътиборни ташкил қилишда адолат устувор бўлиши лозим.** Ёшларнинг ўзи мана шу Ҳаракатга бериладиган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишда адолат мезонига риоя қилинишини таъминлаши зарур.

Бу усул-услубларнинг ишга солиниши фарзандларимизни Ҳаракат сафига тортишда кучли омил бўлади ва у тезда оёққа туриб, ҳеч шубҳасиз, бошқа ижтимоий ташкилотлар орасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди.

«Камолот» ташкилотининг вазифалари борасидаги ўз тасаввурларим ҳақида гапирар эканман, унинг биринчи ва асосий вазифаси тариқасида қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман:

Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир, деган ғояни шу мўътабар заминимизда яшаётган ҳар қайси инсон, авваламбор, униб-ўсиб келаётган авлодимиз онги ва тафаккурига сингдириш, унинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш — «Камолот» ҳаракатининг энг олий, энг устувор мақсади бўлишини истардим.

Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кундалик ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин, у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-юртига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлақо ғайриинсоний, ғайритабиий ҳолат, деб биламан.

Ватанини ўз туққан онасидек муқаддас билиш, саждагоҳдек тавоб қилиш, унинг олдидаги ўз фарзандлик бурчини адо этиш, бошига қандай синов тушмасин, киндик қони тўкилган юртини ҳимоялаш, унинг шон-шарафини улуғлаш, бир сўз билан айтганда, ёш авлодни элим деб, юртим деб ёниб яшаш руҳида тарбиялаш, вояга етказиш барчамизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланишини хоҳлардим.

Ёшларимизни, ҳаётга кириб келаётган болаларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган ва мамлакатимиз олдида турган энг буюк мақсадларга эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган бундай ижтимоий ҳаракат ўзининг стратегик ва кундалик орзу-ниятларини амалга оширишда, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва шу йўлда қанча-қанча қурбонлар берган энг катта бойлигимиз — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг қадрига етиш ва уни кўз қорачиғидек асраш, мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб обрў-эътиборини юксалтиришда ўз масъулиятини ҳеч қачон унутмаслиги даркор.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, ёшлик интилишлари чегара билмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, эзгу орзу-ниятлар билан ёниб яшаётган йигит-қизларга улар кўзлаётган юксак уфқлар, буюк мақсадлар, аввало, инсоннинг ўзи учун, юрти ва халқи учун фойдали эканини очиб бериш керак. Ҳаракатнинг дастурий вазифаларини белгилашда мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш айниқса муҳим.

Бу борада халқимизнинг ёшларга ибрат бўладиган буюк намояндалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, навқирон авлодни улардан ўрнак олиш руҳида тарбиялаш ҳам катта ўрин тутади.

Бунинг учун тарихимизда ўтган улуғ зотларнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бирёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттириш даркор.

Лекин фақат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонларини, илғор замондошларимизни ҳам миллат, халқ минбарига кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш керак. Токи улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин.

Чунки фақат ўтмиш билан чекланиб қолсак, бу — кечаги кун билан яшаш бўлади. Бизнинг энг катта камчилигимиз ҳам аслида мана шунда. Бу камчиликка йўл қўймаслик учун воқеликнинг барча мураккаб жиҳатларини назарда тутиб, аввало, келажакни ўйлаб, тўлақонли ҳаёт билан яшашимиз лозим.

Азиз дўстлар, шу муносабат билан кўпчиликни ўйлантириб турган бир масалага диққатингизни қаратмоқчиман.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун матбуотимизда, радио-телевидениеда, адабиёт, кино ва театр, умуман, санъат соҳасида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек сингари умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг тарихий хизматлари кенг ёритилаётгани, шу асосда уларнинг бизга қолдирган ўлмас меросидан ҳозирги авлод қалбида ифтихор туйғуси уйғонаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Албатта, бундай улуғ сиймоларнинг бебаҳо мероси миллатимиз, халқимиз ғурурига ғурур қўшиб, бизнинг ана шу улуғ мутафаккирлар, арбоблар ва азиз-авлиёларнинг ворислари сифатида ягона халқ бўлиб яшашимизда куч-қувват бағишлаб, қаддимизни тик тутиб, эртанги кунга ишонч билан боришимизда мустаҳкам замин бўлади.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари, адабиёт ва санъат аҳли, ижодкор зиёлиларимиз амалга ошираётган бундай тарғибот ишларини катта миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Лекин айни вақтда шундай бир табиий савол туғилади: бугунги куннинг қаҳрамонлари қани?

Бошимиздан кечираётган ҳозирги оғир, мураккаб, шу билан бирга, шарафли даврда, яъни мустақиллик йилларида бунёдкорлик, яратувчилик йўлида, истиқболимиз пойдеворини барпо этиш йўлида ўз Ватани ва халқига фидойилик билан хизмат қилаётган инсонлар, аввало, ёш авлод вакилларининг таъсирчан, ёркин сиймоларини қаерда кўришимиз мумкин?

Шу маънода, биз ёшларимизнинг маънавий ҳамроҳи, уларнинг устози ва тарбиячиси бўлган ижод аҳлига, маданият намояндаларига ана шундай савол билан мурожаат қилишга ҳақлимиз.

Ахир, бугун ҳаётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, ватандошларимиз жуда катта, илгари хаёлимизга ҳам келтириш қийин бўлган ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўламиз.

Юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган ўғлонларимизнинг мардона чеҳрасини, уларнинг бадиий сиймосини биз қаерда кўриб, мамнун бўлишимиз мумкин?

Бугун дунёнинг энг машҳур илм даргоҳларида ўзининг ақл-заковати, эришган натижалари билан обрў-эътибор топаётган қанчадан-қанча юртдошларимиз, нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётган ўнлаб ажойиб ўғил-қизларимиз, айтайлик, бокс бўйича, кураш, шу жумладан ўзбек кураши, таэквандо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун биз уларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз?

Ахир, барчамиз элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай замонамиз қаҳрамонлари — хоҳ ишчи, хоҳ фермер, хоҳ ҳарбий хизматчи, хоҳ артист, хоҳ спортчи бўлсин — улар билан нафақат бевосита учрашувларда, балки китоб орқали, саҳна орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озиқ, ижобий таъсир олишимиз шубҳасиз.

Чунки бундай инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти, қўлга киритган ютуқлари мисолида бизнинг қандай катта имкониятларимиз борлиги, қандай юксак марраларга эришишга қодир эканлигимиз яққол намоён бўлади.

Ўйлайманки, ҳозирги кунда мана шу масалани бутун жамиятимиз ўртага қўймоқда ва бу соҳадаги амалий ишларни кучайтириш заруратини ҳаммамиз ҳис этмоқдамиз.

Мен бугун мана шу залда ўтирган ҳурматли маданият намояндаларимиз орқали барча ижодкор зиёлиларимизни шу долзарб масала тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга даъват этаман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ёшлар ҳаракатининг самарали фаолият юритиши, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашида унинг ташкилий тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бу борадаги баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Ҳар қандай ташкилот ёки уюшманинг фаолияти, иш самараси, авваламбор, унинг ташкилий тузилишига, таркибига боғлиқ.

Бошқача айтганда, энг юқорида турган бошқарув бўлинмалари билан энг қуйи поғонадаги гуруҳ ва аъзолар ўртасидаги масофа қанча қисқа ва кам бўлса, бу ташкилотнинг обрў-эътибори шунча ортади. Яъни, бюрократик босқич ва поғоналар қанча кам бўлса, шунча яхши.

**Иккинчидан,** ташкилотнинг таъсисчиларини ҳам аниқ белгилаш керак. Токи улар шунчаки номига эмас, балки ташкилот ишига чин дилдан амалий ёрдам берадиган жонкуяр ва фидойи одамлардан иборат бўлсин.

Айни вақтда асосий таъсисчиларнинг вакиллари ҳамда ўз ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътибори билан юртимизда танилган, ёшлар ҳаётини яхши биладиган, уларнинг қалбига йўл топа оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намояндаларидан иборат Маслаҳат кенгашини тузиш лозим.

Маслаҳат кенгаши таркибига ёшлар тарбиясига алоқадор ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг муносиб вакилларини киритиш ҳам ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳаракатни ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама пухта қилиб тузишимиз, унга муносиб етакчиларни танлаб олишимиз зарур.

Акс ҳолда шунча саъй-ҳаракат қилиб, шунча овора бўлиб, яна бир бюрократик ташкилот тузган бўламиз.

Мана шу хавфдан ҳаммамиз огоҳ бўлишимиз, унга йўл қўймаслик кераклигини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Энди ижозатингиз билан бу янги ташкилотнинг молиявий таъминоти ҳақидаги ўз фикрларимни ҳам айтиб ўтсам.

Менинг назаримда, унинг иккита молиявий манбаи бўлиши мумкин. Биринчиси — давлат улуши, иккинчиси эса — таъсисчилар улуши.

Яна бир қўшимча манба — бу ички ва хорижий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, агар биз бу Ҳаракатни ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ташкилот тарзида тузадиган бўлсак, у ҳолда, асосий эътибор тижорат соҳасига қаратилиб, маънавий-маърифий масалалар четда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун Ҳаракатга ҳомийлик қиладиган ташкилот ва корхоналарга қандайдир имтиёзлар бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

«Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ҳаётга келишида муҳим ва энг жиддий масалалардан бири — бу ҳаракатнинг ташкилий таркиби, унга аъзо бўлиб кириш тартибидир.

Биринчи йўл — ташкилотга киришда, буни бошимиздан кечирган ҳаётдан эслашимиз мумкин, барча расмий қоида ва тартибларга риоя қилган ҳолда аъзолик гувоҳномалари бериш орқали амалга оширилади, шахсий варақалар ва бадаллар тўловларини қайд этиш йўли билан ҳисобот олиб борилади.

Бошқача йўл — аъзоларни ҳисобга олиш ишини, мисол учун, дунёдаги тараққий топган давлатларда фаолият юритаётган партиялар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш. Бунда бадал тўлаш ва гувоҳномага эга бўлиш шарт эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи йўл бизнинг мақсадимизга унчалик мос келмайди. Нега деганда, биз бу Ҳаракатни, аввало, ёшларни бирлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этмоқчимиз.

Биз бугун очиқ жамиятда яшаяпмиз, эркин ва озод ҳаёт қуряпмиз. Табиийки, бундай шароитда турли хил фикрлар, ғоя ва қарашлар мавжуд бўлади. Биз барчани кўр-кўрона бир фикрга итоат қилдириш тарафдори эмасмиз. Фақат ёпиқ жамиятдагина шундай бўлиши мумкин.

Биз яқин ўтмишда ана шундай тузум ҳукмронлигида ҳаёт кечирганимизни, у туфайли қанчадан-қанча азоб-уқубатларга дучор бўлганимизни, у нафсониятимиз ва миллий ғуруримизга, урф-одатларимизга қандай зарба берганини, бундай тузум қандай оқибатларга олиб келишини ҳали эсдан чиқарганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам ёшларимиз тарбияси ҳақида гапирганда, уларнинг бугунги замон билан, жаҳон цивилизациясининг илғор ғоялари билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга интилишини қўллаб-қувватлашимиз, эски тизимга хос номаъқул усул ва қоидаларнинг ҳар қандай кўринишларини қатъиян рад этишимизни очиқ айтиш зарур.

**Бизнинг мақсадимиз «Камолот» ҳаракатини қандайдир ёпиқ, ўта расмий ташкилот тарзида тузиш эмас. Чунки бу ёшларни амалда бўлиб ташлашга олиб келиши, оқибатда Ҳаракат таркибида турли оқимлар, амалпараст кимсалар пайдо бўлиши мумкин.**

**Шунинг учун «Камолот» ҳаракатига аъзо бўлиб кириш якка тартибда эмас, балки жамоа асосида, ташкилий жиҳатдан уюшган гуруҳлар тарзида бўлгани маъқул, деб ўйлайман.**

Менинг назаримда, мактабларда 1-4-синф ёшидаги ўқувчилар, яъни етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар бевосита Ҳаракат ҳомийлигида иш олиб борадиган Болалар ташкилотига бирлашиши мумкин.

Қолган синфлар, айтайлик, 5-9-синф ўқувчилари шу Ҳаракатга аъзо бўлиб кирмоқчи. Ёки бирор бир ҳарбий қисмда ёш аскарлар бўлинмаси аъзолари бу ташкилот сафига гуруҳ бўлиб кириш учун ариза бермоқчи.

Хўш, бундай вазиятда уларни Ҳаракат таркибига қабул қилиш қандай амалга оширилади? Бундай пайтда ўша ҳар бир жамоанинг ўзи уюшган ҳолда, бошланғич ташкилот сифатида Ҳаракатга аъзо бўлиб кириши мумкин.

Бунинг учун, дейлик, ҳар бир синфда ёшларнинг ўзи йиғилиш ўтказиб, бу масала юзасидан қарор қабул қилади. Бу қарорда **уларнинг Ҳаракат Дастури ва Низомини қўллаб-қувватлаши, унга ўз ихтиёри билан аъзо бўлишга қарор қилгани, ўз ораларидан муносиб бир етакчи сайлаб олгани, ана шу етакчига уларнинг ирода ва манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган вакил сифатида ваколат бериши баён этилади.**

Мактаб бўйича бундай гуруҳларга битта етакчи раҳбарлик қилиб, бу вазифага ўқувчилар ўртасида обрўга эга бўлган ёш, фаол ўқитувчилардан бири сайланиши мумкин.

Лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларининг факультетларида ҳам ойлик олиб ишлайдиган етакчилар саноқли бўлишини, қолган фаолларнинг эса жамоатчилик асосида иш олиб боришини кўзда тутиш лозим. Меҳнат жамоаларида ҳам шу тартибга амал қилиш мумкин.

Ҳар қайси гуруҳнинг ўз низоми, ҳар йили қайта сайланадиган етакчиси бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатнинг таркибий тузилиши шу тартиб асосида йўлга қўйилса, менимча, қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

**Биринчидан,** Ҳаракат фаолияти расмиятчиликдан холи бўлади, бюрократия ботқоғига ботиб кетмайди.

**Иккинчидан,** бу ёшларда ташаббус ва қизиқиш, изланувчанлик уйғотишга олиб келади. Мақсад шуки, Ҳаракат аъзолигига интилиш қуйидан — ёшларнинг ўзидан чиқиши, ихтиёрий равишда ва демократик асосда пайдо бўлиши лозим.

Ана шунда бу юқоридан туриб тузилаётган расмий бир ташкилот эмас, балки ёшларнинг ўз ташаббус ва интилишлари асосида дунёга келган ижтимоий ҳаракат бўлади. Яъни, у барча ёшларни қуйидан юқорига қараб бирлаштириб борадиган том маънодаги Ҳаракатга айланади.

**Учинчидан,** биз қуйи босқичда мана шундай тизимга таяниб иш кўрадиган бўлсак, жойларда ўзини ўзи назорат этиб, ўзини ўзи бошқара оладиган ёшлар гуруҳига — Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларига эга бўламиз.

Шу тариқа аъзоликка кириш учун бериладиган жуда кўп аризалардан ҳамда минг-минг нусхадаги гувоҳномаларни тайёрлаш ва топшириш каби ортиқча оворагарчиликдан ҳам қутуламиз.

Гувоҳномалар эса фақат бошланғич ташкилотга берилиши мумкин.

Туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам бу борадаги ишни шу тарзда ташкил этишни ўйлаб кўришимиз лозим.

Шу йўсинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий таркибини Ҳаракатнинг марказий идораси, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ҳамда ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлари сифатида шакллантириш мумкин.

**Тўртинчидан,** Ҳаракатнинг қуйи поғоналарида ишни жамоатчилик асосида ташкил этиш ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ёшлар ташкилотининг мақсад-вазифалари ҳақида кўп гапириш мумкин. **Лекин, энг муҳими, у ёшларимизнинг кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслакдошига айланиши зарур.**

Яъни, бу Ҳаракат таркибида ишлайдиган одамлар ёшларга тепадан буйруқ бериб турадиган раҳбар эмас, балки уларни юксак мақсадлар сари бошлайдиган етакчи, яна таъкидлаб айтаман, ҳақиқий етакчи бўлиши зарур.

Бу Ҳаракат ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, **давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур.**

Эндиги вазифа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми устида ишлаш, тегишли ташкилий ишларни амалга оширишдан иборат. Асосий мақсад — ташкилотга муносиб аъзоларни, ватанпарвар ва фидойи ёшларни танлаб олиш ва бирлаштиришга қаратилиши керак. Шундагина Ҳаракат жамиятимизда обрў-эътибор топиб, ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олади.

Ташкилий даврда бу Ҳаракатнинг шакли, мазмуни, фаолият механизми, амалий мақсадлари ҳақида ҳар хил фикрлар ва таклифлар бўлиши табиий ҳол, албатта. Биз ана шундай баҳсларга тайёр туришимиз лозим. Лекин бугунги ҳаётимизда бундай ташкилотнинг зарурлигини ҳеч ким инкор этолмайди, деб ўйлайман.

Албатта, ўз олдига тарбия масаласидек нозик ва мураккаб вазифани мақсад қилиб қўйган ташкилот бирданига оёққа туриб кетмайди. Бу ташкилот олдида фарзандларимизни тўғри йўлга, ҳидоят йўлига солиш, айрим ғўр ёшларимизни хатарли ва қалтис сўқмоқлардан қайтариш борасида ҳали қанча-қанча синов ва муаммолар, қийинчиликлар пайдо бўлиши муқаррар. Шунинг учун эртага бу ташкилотга раҳбар бўладиган одамлар, ёшлар ишонч билдириб сайлайдиган етакчилар ана шу масъулиятни ўз зиммаларига олишга қодир бўлишлари даркор.

Бу ишда уларни қўллаб-қувватлаш, кўзлаган мақсадларимиз сари изчиллик билан ҳаракат қилиш — барчамизнинг бурчимиздир.

Азиз дўстлар!

Мен фикримни маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли сўзлари билан якунлаб, барчангизни олдимизда турган мана шундай ўта масъулиятли ва шарафли вазифаларни бажаришда бор куч-ғайратимизни сафарбар қилишга даъват этаман.

# ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

(Боши 1-бетда).

Сўнгги йилларда ғоявий душманларимиз ўзларининг манфур ниятларини рўёбга чиқариш учун энг замонавий телекоммуникация ютуқларидан, жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қиляпти. Шу сабабли маънавиятимизда бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Президент бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозимлигини айтди. Ислом Каримов ёшларимиз тарбиясини ўз қўлимизга олмасак, бу ишни бошқалар, яъни демократия тамойилларига асосланган фаровон ҳаёт қуришимизга раҳна солувчи кучлар ўз қўлига олиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Хўш, ёш авлодни турли қингир йўлларга кириб кетишдан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Давлатимиз раҳбари ёшларимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш йўлидаги курашда икки йўналиш, икки тамойилни белгилаб берди. Уларнинг биринчиси бу курашда халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, дунёқараши ва тафаккурига асосланиш бўлса, иккинчиси умуминсоний ва замонавий қадрият ва ютуқларга таянишдир. Ислом Каримов бу тамойилларни олдимизга қўйилган энг муҳим мақсад сифатида белгилаб, уларни ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ёшларининг бошини қовуштириш, муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланиш, имкониятларини кенгайтириш мақсадида бундан беш йил муқаддам «Камолот» жамғармаси ташкил этилган эди. Тан олиш керак, бу жамғарма муайян ишларни амалга оширди. Бироқ «Камолот» ташкил этилган пайтда ўз олдига қўйган муҳим мақсадларни амалга ошира олмади. Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш ўрнига, кўпроқ тижорат йўлига ўтиб олди.

Ислом Каримов ўз нутқида моддий нуқтаи назардан кўп нарсага эришиш осон, бироқ маънавият-маърифат соҳасидаги йўқотишлар ўрнини тўлдириш қийин иш эканини таъкидлади. Айтиш мумкинки, «Камолот» айни шу ўринда ўз олдига қўйилган вазифаларни уддалай олмади.

Шу боис Ислом Каримов ёшларнинг бошини қовуштирадиган, «уларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган» янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари бу ташкилот «Камолот» номини сақлаб қолиши, бироқ унинг иш юритиш услуби жамғарманикидан фарқли бўлишини таъкидлади. Президент янги ташкилотни ёшларнинг ижтимоий ҳаракати шаклида тузиш мақсадга мувофиқ бўларди, деди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев, «Улуғбек» жамғармаси Фарғона вилоят бўлимининг раисаси Зарина Абдуллаева ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бундай ташкилотнинг ташкил этилиши миллий манфаатларимизга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда янги ижтимоий ҳаракатнинг ташаббускор гуруҳини ташкил этиш кераклиги таъкидланди. «Камолот» жамғармаси негизида фаолият юритадиган бу гуруҳ вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларга чиқиб, ёшларнинг янги ҳаракат борасидаги фикрини ўрганиши, уларнинг хоҳиш-иродаси асосида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланди.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, Анвар КАРИМОВ, ЎзА мухбирлари.**

*Эл нетиб топғай мениким...*

# «ЙИЛЛАР ҲАБИБ ВАСЛИ МУЯССАР ЭСА, ГОҲЕ...»

## *Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир*

***Даврон гулию гулшани хориға арзимас,***
***Гулгун майи балойи хумориға арзимас.***

***Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлиқ,***
***Бир дам алар иҳонату ориға арзимас.***

***Манқалда уду сандал агар айласанг ўтун,***
***Бир лаҳза дуд бирла шароpиға арзимас.***

***Офоқ мулки фатҳи учун тортмоқ сипаҳ,***
***Билким, сипоҳ гарду ғубориға арзимас.***

***Юз қарн олам аҳли аро айламак нишот,***
***Бир дам алар нифоқу ниқориға арзимас.***

***Йиллар ҳабиб васли муяссар эса, гоҳе,***
***Майли рақиб жониби бориға арзимас.***

***Киргил фано йўлиға, Навоийки, даҳри дун***
***Бу умр бесабот мадориға арзимас.***

Бу ғазал Алишер Навоийнинг орифона ғазалларидан. Одатда бундай ғазаллар шеърхонни ҳаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, каттадир, кичикдир, ҳар бир нарсани фано ва бақо ҳоли ила мушоҳада қилишга ундайди. Бундоқ қараганда, шеърдаги умумий мантиқ анча оддий. Чунончи: олам «гулию гулшани»га мафтун бўлиб, «хори» ранжини, тириклик завқ-шавқига берилиб, унинг қайғу-кадарини эсдан чиқарма, демоқчи шоир. Ҳа, моҳиятбинлик инсондан омад бағрида бекинган омадсизликни, ғолиблик ичида кезиниб юрадиган мағлубликни, шодликни доғда қолдиргувчи ҳасратни аниқ пайқамоғи керак. Пайқамаса кўп пушаймонликларга, афсус ва чорасизликларга юзма-юз келмоғи муқаррар. Шу маънода Навоийнинг фикрлари огоҳлантириш, ҳушёрликка чорлаш хизматини ҳам бажаради, дейиш мумкин.

Етти байтли ғазалнинг бирор бир байтида ҳам маъқулланган, эътироф этилган, қадрлашга лойиқ кўрилган нарса, ҳодиса ёки ҳақиқат йўқ ҳисоби. Ҳамма-ҳаммаси учун битта хулоса, битта ҳукм: «Арзимас!».

Бир ёқлама қараш, ёруғликни ҳисобга олмай зулматни инкор айлаш Алишер Навоийга бутунлай ётдир. Даврондан ҳар қанча нолимасин, даврни ҳар қанча айбламасин одам фарзанди ўз даври ва давронидан ажралиб, бутунлай четда яшай олмайди. Бундай умрнинг маъниси ҳам, кераги ҳам йўқ. Қолаверса, давр ва замонда ҳамма нарса ёмон дейиш ақлдан эмас. Навоий буни ҳам шу қадар мукаммал билганки, бир ғазалида:

***Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам, валек***

## (Бир ғазал талқини)




***Бўлмағай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб,***

дея ўқувчини даврон макр-ҳийлаларидан ғафлатда қолмасликка чақирган. Демак, ёмонни билиш яхшини қадрлашга хизмат этмоғи керак. Ёки аксинча. Ана шунда:

***Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлиқ,***
***Бир дам алар иҳонату ориға арзимас —***

лигини чуқур тушунишда қийинчилик сезилмайди. Тарих нене жаҳонгирлар мисолида шоҳлик, салтанат ишқи ҳам баҳосизлигини кўп бора исботлаган. Навоий шоҳликни дунёга боғланиш ва дунё ишқининг энг олий шакли ўлароқ тилга олган. Ва шоҳ нақадар адолат ила ҳукм юритмасин, тожу тахт халқу халойиқ ори ва қадрининг бир дамлик камситилишига арзимаслигини ҳаққоний таъкидлаган. Шу ўринда бир муаммога аниқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Навоий ғазалининг замирида тарки дунё туйғусини эгаллашга даъват бор. Умуман, Шарқ мутафаккирлари, айниқса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари тарки дунё ҳақидаги фикр-қарашларини ҳамиша очиқ-ойдин ифодалаганлар. Шўро мафкураси тасаввуф ва мумтоз шеъриятнинг айнан тарки дунёчилик тушунчаларига кескин қарши чиқди ва уларни тамоман инкор этди. Бу тўғрими, нотўғрими?

Моддиётчилик маъносида нисбатан тўғри, аммо маънавий-руҳий камолот нуқтаи назаридан бутунлай нотўғри.

Дунё ва олам ҳам ўзига хос бир ҳукмрон — ҳокими мутлоқ. Одам фарзанди, у билан муроса қилишга, унинг талаб ва истаклари билан ҳисоблашишга мажбур. Бундан у ҳамиша ҳам ютқазавермайди. Балки, эл-юрт манфаати ва тараққиёт учун ҳисса қўшади. «Ҳар не қадар бу оламнинг ҳол ва ишлари ўткинчи бўлса ҳам, - дейди Азизиддин Насафий, - алдансак ва алданмасак ҳам бу дунёга эҳтиёжимиз бор. Шу эҳтиёж туфайли нокаслар билан суҳбатлашиш, бехабарлар ила бирга бўлишга мажбурмиз». Тасаввуф зоҳиран дунё билан алоқани узмай, одамларга нафи етадиган ҳеч бир ишга қўл силтамаган ҳолда, ботинан дунёпараст бўлмаслик, нафс «аркон»лари билан фоний дунёга боғланмаслик йўл-йўриқларини белгилаб берди. Шу учун тасаввуф бошқа кўп касб, ҳунарлар қатори, ҳатто тижоратни ҳам қўллаб-қувватлади. Бу ҳақда улуғ юртдошимиз Абубакр Муҳаммад бин Исҳоқ Бухорий Калобозий машҳур «Таъарруф» асарида мана нима деб ёзади: «Сўфийлар зироат, тижорат ва ҳунармандлик каби шариат мубоҳ айлаган йўллар билан мол топиш ҳалол деган нуқтаи назарда ҳамфикрдурлар. Аммо мол топганда ҳушёр бўлиш, қаллоблик қилмаслик ва шубҳали нарсалардан қочиш шартдир. Уларга кўра, меҳнат қилиш ва пул топишдан мақсад ёрдам қўлини чўзиш, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтириш ҳиссининг илдизини қуритиш, пулни халқ учун харж айлашни ният этиш ва қўшниларга ғамхўрлик туйғусидир». Бундан ортиқроқ мурувват, бундан зиёд холис ният ва олий туйғуни тасаввур этиш мумкинми? Алишер Навоий бир ғазалида:

***Замона аҳлиға гарчи ўюнчилиғдир иш,***
***Енгар ҳам охир аларни замонанинг ўюни, —***

дейди. Бугуннинг тили билан айтганда, бу байтда замонасозлик найранги, шахсий ғараз ва иддаоларни кўзлаб замонга мослашиш ҳолати қуролланган. Навоий буни ўз номи билан «ўюнчилиғ», деб атайди. Бироқ, бундай ўюнчилиғни енгиб, «ўюнчи»ларни забун этадиган бошқа бир катта ўйин бор. Бу — замонанинг ўйини.

(Давоми 4-бетда)

---

Ўз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган юртимизда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ортмоқда. Хўш, ўтган даврда эришилган муваффақиятларни тарғиб қилишда, қадимий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз бой меросини кенг оммага етказишда, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юксак садоқат руҳида тарбиялашда «Тўртинчи ҳокимият» деб ном олган газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари шу кун талаблари даражасида фаолият кўрсатаяптими?

# ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ, ЭНГ ЯҚИН ҲАМРОҲ

Ўтган йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият кўрсатаётган ижод аҳлининг янада самарали, эркин фаолият кўрсатиши учун янада кенг имкониятлар очадиган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош касблар тўғрисида»ги ҳамда «Реклама ҳақида»ги муҳим қонунлар қабул қилинди.

Яратилаётган бу имкониятлар Юртбошимизнинг «...Одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст, ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар», деб ишонч билан айтган сўзларига ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда республикамизда 719 та оммавий ахборот воситаси мавжуд. Улар 507 та газета, 157 та журнал, 4 та ахборот агентлиги ва 51 та телерадиостанциядан иборат.

Турли йўналишдаги 50 та нашриёт йилига 30 миллион нусхадан кўпроқ дарслик, ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий китобларни ҳамда бошқа босма маҳсулотларни чоп этмоқда.

Аммо, айрим оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета ва журналлар ҳамон ҳаётий воқеаларни зудлик билан ёритишда, замонамиз қаҳрамонлари характерини тўлақонли, ёшлар ибрат оладиган даражада тарғиб этишда ҳаётдан орқада қолмоқдалар. Бир қатор газета ва журналлар мазмун мундарижаси ва қиёфасида бир хиллик мавжуд эканлиги ҳам сир эмас. Уларда жанговарлик, ҳозиржавоблик етишмайди.

Миллий матбуот уйида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шундай долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шоғуломов ва қўмитанинг бошқа масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

**(ЎзА).**

---

# ТЕМИР ЙЎЛ - ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

(Боши 1-бетда).

Кенгашда шу масалалар қаторида, Президент Ислом Каримов соҳада давлат мулки устуворлигидан имкони борича ва буни асослаган ҳолда воз кечиш лозимлигини айтиб ўтди. Табиийки, буни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди, ҳатто энг тараққий этган мамлакатларда ҳам давлат транспорт йўллари устидан ўз назоратини сақлаб қолади. Айни пайтда мулкчиликнинг жамоавий, аралаш, хусусий шаклларидан фойдаланиш мумкин бўлган соҳалар ҳам кам эмас ва бундан чўчимаслик керак. Корхоналарни хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад, меҳнатнинг моҳиятини ўзгартириш, соҳа ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишдангина эмас, балки транспорт соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш, корхоналар фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш учун ҳам зарур.

Шу сабабли, қайси тармоқлар давлат мулки ҳисобида қолиши, қайсилари хусусийлаштирилиши лозимлигини аниқ белгилаб олиш керак. Давлат активларини бошқариш сифатини ошириш учун аста-секин давлат назорати сақланиб қоладиган бўлинмаларни ҳам акциялаштириш ҳамда уларни ишонч асосида бошқаришга топшириш лозим.

Темир йўл транспорти монополиясини чеклаш ҳам асосий масаладир. Бу эса тармоқ фаолиятини қатъий назорат қилиш, нархларнинг асоссиз равишда ўсишига, соҳадаги монополистик тусдаги бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун зарурдир. Бунинг учун рақобат муҳитини ривожлантириш керак.

Ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг яна бир муҳим камчилиги шундаки, улар компаниянинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида етарли муҳокама қилинмаган. Тармоқни ислоҳ қилиш бўйича бундай кенг кўламли дастурни қабул қилишда шу соҳада меҳнат қиладиган, янги тартиб ва қоидалар асосида ишлаши ва яшаши лозим бўлган одамларнинг тажрибасини ва фикр-мулоҳазасини эътиборга олмай бўлмайди.

Билдирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Президент Ислом Каримов ҳукумат комиссиясига қисқа муддат ичида темир йўл транспортини қайта реструктуризация қилиш бўйича таклиф этилган дастурни қайта ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

**О.ЗАДУНАЙСКАЯ, А. КАРИМОВ, ЎзА мухбирлари.**

---



Чирчиқ шаҳридаги «Кибо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси йил сайин ривожланиб бормоқда. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхона аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришда намуна бўлмоқда. Корхонада 250 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилган.

**Суратларда: корхона ишчилари фаолиятидан лавҳалар.**

**Д.АҲМАД олган суратлар.**



---

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

# РАҲБАР ҚОНУННИ БИЛМАГАЧ...

***Зиёдулла Омонов Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлимида «Давлат таълими стандарт мониторинги» раҳбари бўлиб, бинойидек ишлаб юрарди. У ҳақиқатгўйлиги боис айримларга ёқмасди. Чунки оқни-оқ, қорани-қора дегувчи ходимни баъзи раҳбарлар хушламаслиги аён. Зиёдулла доим йиғилишларда долзарб муаммоларни раҳбарлар олдига кўндаланг қўйиб, унинг бажарилишида ташаббускор бўларди. Бу хислатлар охир-оқибатда унинг ишдан бўшатилишига сабаб бўлди.***

З.Омонов эса фақат туман Халқ таълими бўлимида ишлар олға силжиши ҳақида жон куйдириб, адолатсизликка учраб қолишини сира ҳам ўйламаганди. Уни Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлимининг собиқ мудири Ф.Мирзаев эгаллаб турган вазифасидан бўшатди. Адолатнинг юзига тик боққан З.Омонов бундан норизо бўлиб Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига ариза билан мурожаат қилди.

Меҳнат Кодексининг 9-моддаси, 2-банди, Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари, касаба уюшмалари «Меҳнат ҳуқуқ нозири ҳақида»ги Низоми талабларига биноан унинг аризаси текшириб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

Ҳақиқатан ҳам у эгаллаб турган лавозимидан 2000 йил 11 сентябрдаги 72-буйруқ билан бўшатилган. Эртасигаёқ 44-умумтаълим ўрта мактабига «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосарлиги вазифасига ўтказилган.

Мазкур буйруқ Меҳнат Кодексининг қуйидаги талабларига биноан ноқонуний ҳисобланади:

Биринчидан, Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими мудири (собиқ) Ф.Мирзаев З.Омоновни ишдаги муваффақиятлари учун 1999-2000 йилларда махсус буйруқ билан тўрт марта мукофотлаб, бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирган. Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходим бошқа доимий ишга ўтказилганда ёки унга бошқа иш ёки мутахассислик таклиф этилганда унинг розилиги олиниши керак. З.Омонов эса бошқа ишга ўтиб ишлашга розилик бермаган. Ҳатто буйруқлар билан ҳам таништирилмаган. Қолаверса, у 2000 йилнинг 28 август кунидан бошлаб 18 сентябр 2000 йилгача Қумқўрғон туман марказидаги поликлиникада даволанишда бўлган. Бу ҳақда унга берилган 902092, 902041 рақамли касаллик варақалари мавжуд.

Ушбу ҳолатларни ўрганиб чиққан вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг бош меҳнат ҳуқуқ нозири А.Сафаров шундай хулосага келди:

«а) Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими собиқ мудирининг 2000 йил 11 сентябрдаги 72-сонли буйруғи бекор қилинсин.

б) Меҳнат Кодексининг 3-моддаси талабларига биноан фуқаро З.Омонов ўз лавозими — Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими «Давлат таълими стандарт мониторинги» раҳбарлигига тиклансин.

Меҳнат Кодексининг 112-ва 275-моддаси талабларига биноан фуқаро З.Омоновга «Давлат таълими стандарт мониторинги» раҳбари ҳамда «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосарлиги иш ҳақи ўртасидаги фарқ тўлансин».

Ҳақ қарор топди. Лекин ҳақиқатни юзага чиқариш учун қанчалаб мутахассислар бош қотирмади, дейсиз. Илғор ходимга мукофотлар бериб, ҳеч бир огоҳлантиришсиз, унинг бетоблигида ишдан бўшатиш қонунга хилофлигини, адолатсизликнинг айни ўзгинаси эканлигини наҳотки раҳбар билмаган бўлса?

Нима бўлгандаям ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий ҳимоячиси касаба уюшмалари бу ишга сўнгги нуқтани қўйди. Зиёдулла Омонов эса ҳақиқат асло синмаслигига чуқур ишонч ҳосил қилди.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**

*Эл нетиб топғай меникум...*

# «ЙИЛЛАР ҲАБИБ ВАСЛИ МУЯССАР ЭСА, ГОҲЕ...»

(Боши 3-бетда)

Инсон шуни билиш, шу шафқатсиз ўйиндан ўзини четга олишда кўпинча ожизлик қилади. Ва гоҳо хаёлга келмас дунёсеварлик машғулотлари билан қўли баландлигини кўз-кўз қилмоқ истайди. Ахир, манқалга оддий ўтин ёқса ҳам бўлади-ку! Йўқ, халқдан ажралган дунёдор «манқал»ига рангдор, хуш ҳид таратувчи ёғоч ёндиради:

***Манқалда уду сандал айласанг ўтун,***
***Бир лаҳза дуд бирла шарориға арзимас.***

Бундаги «манқал» бир тимсол. Ҳозирги даврда «манқал»нинг шакллари ўзгариб, турлари кўпайган, албатта. Камёб, қимматбаҳо «ёғоч»га ҳорисликчи? Ақл бовар қилмас даражада кучайиб, кенг томир ёзиб кетган. «Дуд» ва «шарор»дан андиша ҳисси пасайган десак, ҳақиқатдан кўз юмган бўламиз.

Тўғри, инсон дунёга бир марта келади. Елдай ўтадиган шу қисқа умрни у эркин, ҳар қандай қарамлик, муҳтожликдан фориғ ва яйраб ўтказишга тўла ҳақли.

***Даҳр боғинда неча кункум тириксан, айтқил,***
***Ким яна топмоқ эмас маълум бу бўстон кабм.***

Навоийнинг бу ўгитлари нақадар донолик ва ҳаётсеварлик билан айтилган. Лекин ақлни таний бошлаш чоғлариданоқ билмоқ керакки, ҳаёт бўстонида айш қилиш — нафсоний ва шаҳвоний қувватларга эрк бериш дегани эмас. Мол-мулк йиғиш пойгаси, мартаба баландлиги, «тотлиғ-тотлиғ» емоқ, «турлик-турлик» кийиб, ҳашаматли қасрларда кўкрак кериб яшаш — булар ҳам умр моҳиятини акс эттирмайди. Навоийга кўра, тириклик айши, аввало, нафсни руҳга таслим айлаш, ишқ, маърифат, гўзаллик нури ила кўнгулга зийнат беришдир. Шундагина инсон дунё мулки фатҳи учун лашкар тортмоқ «сипоҳ гарди ғубориға» арзимаслигини ҳам, одамлар орасидаги бир фурсатлик нифоқу жанжаллар асрларга чўзилган умр фароғатини буткул йўққа чиқариш эҳтимолини ҳам англаб одим ташлайди:

***Юз қарн олам аҳли аро айламак нишот,***
***Бир дам алар нифоқу ниқориға арзимас.***

Навоий шеърларини киши қанча кўп ўқиб, маъно-моҳиятини қанча кўпроқ англай бошласа фикр-мушоҳада меҳнатидан ўшанча ҳузурланадиган, ишқ, гўзаллик, руҳиятнинг қудрати ва сеҳрига ортиқроқ ишонадиган бўлиб бораверади. Аста-секинлик билан бўлса-да, тубан майллар, қаҳрли туйғулар, саёз ва қиймати ҳаминқадар тушунчалар қалбдан чекина бошлайди. Энг муҳими, Сиз ўз ғафлатингиз қиёфасини кўриш, Навоий талаб қилганидек, ноқисликларингиз исботидан чўчимайдиган ҳолга кўтарилишга уринасиз. Бу умидбахш уриниш жараёнида ўзингизча бир нарсанинг ҳақиқати ва моҳиятини аниқроқ, теранроқ кашф этишга жаҳд қиласиз. Бу — фано ҳоли, фано йўли ва фақру фанолик орзуси эрур. Чунки Навоий қайта-қайта фано хусусида сўзлайди, фано сирларини шарҳлашдан, фано водийсига сайр этишга чорлашдан тўхтамайди. Фикр юритганимиз ғазал мақтаъида ҳам ўқиймиз:

***Киргил фано йўлиға, Навоийки, даҳри дун,***
***Бу умр бесабот мадориға арзимас.***

Хўш, фано йўли — қандай йўл? Унинг имконият, имтиёз ва фойдаси нималардан иборат? Умуман, фано деганда биз нимани англаймизу, Навоий ва Навоий замондошлари нималарни англашган? Бу саволларга батафсил жавоб бериш осон эмас. Агар уларга тўлиқ жавоб қайтарилса, Навоийнинг шеърий дунёсига кириш ҳозиргига нисбатан янада осонлашади. Оддий ўқувчини қўя турайлик. То шу кунга қадар аксарият илм ва ижод аҳли ҳам фано деганда «йўқ бўлиш, ўлиш, бақосизлик, ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиятга сингишдан ўзга бир маънони хаёлга келтиришмайди. Ваҳоланки, Навоий шеъриятидан фано ҳақиқатлари четга сурилса, наинки ахлоқий, маънавий, фалсафий, балки ишқий, илоҳий тушунчалар ҳам ҳаракатлантирувчи бир қувватдан жудо бўлади. Зеро, Навоий дунёқарашида комилликни кафолатловчи ҳол — фано ҳоли, дилни яйратувчи, толиқишлар, ториқишлар, жабр-жафолардан халос этгувчи маскан — фано майхонаси, Ҳақ висолига етказгувчи йўл — фано йўли.

Абу Наср Саррожга кўра, фано, нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Фано уч турлидир: биринчиси, қулнинг ўз нафси ва сифатларидан фано бўлиб, Ҳақ сифатларига эга бўлиши. Бу — фанои афъол. Иккинчиси, қулнинг Ҳақни билиш билан Ҳақнинг сифатларидан ҳам фано бўлиши. Бу — фанои сифот. Учинчиси — қулнинг Ҳақ борлиғига фанолиги, яъни фанои зот. Фанои афъол шартларини бажаришнинг ўзиёқ инсон ахлоқини гўзаллаштиради. Чунки Ҳужвирий айтмоқчи, жаҳолат фано бўлгач, илм боқий бўлади, ғафлат кетгач — маърифат, меҳр ва муҳаббат муқимлашади. Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фано расмин забт айлашни истаган киши зинҳорбазинҳор нафс ила руҳни қориштирмаслиги зарур:

***Гар фано расмин қилмоқ тилар эрсанг мазбут,***
***Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.***

Сўз охирида Навоийнинг яна бир байтига диққатни тортмоқчимиз. Улуғ шоир фано тариқига зўр ишонч билан қарайди. Шу тариқ орқали, хирқа, тасбиҳ, мусалло каби воситаларсиз ҳам ишқ ва руҳ илмини эгаллаб висолга восил бўлишни алоҳида таъкидлайди:

***Фони ўлғил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,***
***Хирқау дафтару тасбиҳу мусалло офат.***

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори.**

*Жума ўгити*

**Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ**

## ОВҚАТ ПИШИРИШ ОДОБИ

Агар овқат пиширишда нечта қоида бор, деб сўрасалар, ўн олтита деб айтгил: биринчидан, таомни ҳалол пулга олинган (ёки ишлаб топилган) масаллиғдан тайёрласин. Иккинчидан, покиза бўлсин. Учинчидан, қозон-товоқ пок бўлсин. Тўртинчидан, қозонни тоза ва ҳалол сув билан ювсин. Бешинчидан, овқат пиширишга киришишдан олдин қўлини ювсин. Олтинчидан, овқат пиширишни бошлашдан олдин Тангри таолонинг номини тилга олсин. Еттинчидан, овқатга керакли барча анжом-асбобларни яхшилаб ювсин. Саккизинчидан, ошхонада хас-хашак, ахлат бўлмасин, ҳар доим тоза тутилсин. Тўққизинчидан, овқат пишираётганда қозон бошидан бошқа жойга бормасин. Ўнинчидан, хамир қориган пайтда бошини лаган (товоқ, тоғора) устига осилтирмасин, оғиз-бурнига бирор нарса боғлаб олсин. Ўн биринчидан, сўлагини оқизмасин, тупурмасин. Ўн иккинчидан, қозоннинг устини очиқ қолдирмасин. Ўн учинчидан, ошпазликни яхши ўрганган бўлсин, тузни муайян оралиқда уч марта солсин. Ўн тўртинчидан, овқатни кўпчиликнинг ижозати ва маслаҳати билан пиширсин. Ўн бешинчидан, ошхона нарсаларини ўғирламасин, ўн олтинчидан, ўзига ёрдамчи тайинласин ва ундан ҳам барча айтилганларни талаб қилсин. Шунга мувофиқ, олов ёқишнинг ҳам ўз қоида-дастурлари бор. Бундан ташқари, идиш-товоқни озода сақлаш, овқатдан кейин уларни тоза сув билан яхшилаб ювиб, артиб яна тоза жойда сақлаш керак.

Агар либос ювиш (кир ювиш)нинг дастури нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил: биринчиси шуки, либос ювилганда топ-тоза бўлсин, доғ ёки кирдан асар қолмасин. Иккинчидан, либосни эҳтиёт қилиб ювсин, токи йиртилиб сўкилиб кетмасин. Учинчидан, мартабага эришган улуғлар тўни (либоси)ни аввал ювиб, алоҳида жойда қуритсин. Тўртинчидан, либосни ювгандан кейин тоза жойда қуритсин. Бешинчидан, либос қуриганидан кейин таҳлаб, силлиқлаб, эгасининг олдига олиб бориб қўйсин. Олтинчидан, совунни ортиқча сарфламасин, чунки бунинг фойдаси йўқ. Еттинчидан, агар кийимлар йиртилган бўлса, ювгандан кейин тикиб қўйсин.

**Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.**



***Болалар миллат келажаги, Ватан истиқболининг таянчидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Оналар ва болалар саломатлиги, соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки миллат камоли, юрт равнақи, насл-насаб софлиги, энг муҳими, ҳар томонлама соғлом, иймони бутун, эл-юртга фидокор авлодни вояга етказиш оламшумул аҳамиятга эга.***

*Соғлом авлод — юртга қанот*

## БОҒЧАДА «БОЛАЛАР ДУНЁСИ»

— Доно бобокалонларимиз бир йил роҳат истасанг буғдой эк, ўн йил роҳат истасанг дарахт ўстир, бир умр бахтиёрлик истасанг комил фарзанд тарбияла, дейишган. Биз ана шу муқаддас удумга амал қилиб, болажонларни ҳақиқий истиқлол фарзандлари этиб тарбиялашга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этганмиз, - дейди Нишон туман халқ таълими бўлими услубчиси Гулчеҳра Қорахўжаева.

Бунинг исботи ўлароқ халқ таълими бўлими тасарруфида 23 та болалар боғчаси бўлиб, уларда 2261 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Бир-биридан ширинсўз, ўз ишининг фидойилари ҳисобланган 891 нафар тарбиячи болалар атрофида парвона. Айниқса, «Камалак» болалар боғчасида амалга оширилаётган ишлар мақтовга сазовор. 263 нафар бола тарбияланаётган жажжилар масканида барча шарт-шароитлар яратилган. Боғчада асосан Талимаржон ГРЭСи ишчи-хизматчиларининг фарзандлари тарбияланаётганлиги учун ташкилот уни ўз ҳомийлигига олган. Ишчан, тадбиркор, болажон боғча мудираси Раббоҳа Жабборова бизни 35 нафар бола тарбияланаётган тайёрлов гуруҳига бошлайди. Иссиқ, шинам, тоза-озода хоналарда машғулот ўтаётган болажонларга қараб ҳавасинг келади кишининг. Бири тинчлик рамзи — кабутар суратини чизса, бири чин ихлос билан юрт байроғи тасвири туширилган суратга ранг беради. Тарбиячи меҳр билан ҳар бир боланинг ишини кузатади.

— Бугунги машғулотимиз «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб аталган, - дейди тарбиячи Манзура Авлоева. - Суратларга қаранг, улар юртни қанчалик севишади-я!

Чизган суратлари билан юракларида Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, онг шаклланаётган болажонлар билан хайрлашиб, қувнаб қўшиқ айтаётган гуруҳ томон борамиз. Мусиқа муаллимлари Сайёра Мирзахўжаева ҳамда Шомурод Боймуродовлар пианино жўрлигида болаларга Наврўз байрами ҳақида қўшиқ ўргатаётган экан. Турли-туман мусиқа асбоблари билан жиҳозланган кенг ва шинам мусиқа хонаси ҳақиқий санъат саройини эслатади.

— Тайёрлов гуруҳида тарбияланаётган болаларга спортнинг каратэ тури бўйича машғулотлар ўтилмоқда, - дейди мудира Р.Жабборова фахр билан. - Моҳир каратэчи Зайниддин Ашуров бу ишда бизга ёрдам бермоқда. Бу эса ўз навбатида кичкинтойларнинг келажакда жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун имкон яратади.

Туман халқ таълими бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан боғчада «Болам, сен билан кўркам олам», «Жажжи гўзал», «Бола нигоҳида олам мужассам» сингари эрталиклар ўтказиш одат тусига кирган.

... Болалар боғчаси ҳовлисида сартарошхона иш бошлаши бир қанча қулайликларни яратди. Ота-оналар кичкинтойларнинг сочларини мазкур сартарошхонада олдириб, вақтлари тежалгани, юмушлари осонлашганидан мамнун. Айниқса, боғчада «Болалар дунёси» дўконининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бундан ташқари, мабодо, пойабзалингиз таъмирталаб бўлса, уста Абдураҳмон Усмонов хизматингизга тайёр. Стоматолог врач Ўроздавлат Жўраев эса боғча биносидаги тиш даволаш шоҳобчаси очиб, катта савобга қолди.

Боғчадаги яна бир тадбир киши диққатини тортади. Хусусан, «Жамғарма-2000» деб аталган тадбир якунларига кўра жамғармага тушган қарийб 50 минг сўм маблағга боғча учун турли жиҳозлар олинди. Шунингдек, Талимаржон ГРЭСи дирекцияси Бош директори Искандар Баситов ҳамда корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашуровлар байрам ва турли тадбирларда жажжиларга қимматбаҳо совғалар улашишига бу ерда ўрганиб қолишган. Шунинг учун ҳам Нуристондаги ушбу болалар боғчаси довруғини сиз нафақат туман, қолаверса, вилоятнинг бошқа жойларида ҳам тез-тез эшитасиз. Боғча тарбияланувчилари эса соғлом, зукко бўлиб камолга етмоқдалар.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**



## «ШАНКАР - 2000» ҒОЛИБЛАРИ

Ҳиндистонда болалар ижодиёти халқаро танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. «Шанкар-2000» деган шиор остида уюштирилган навбатдаги ижод ва маҳорат кўриги ҳам талайгина ёш истеъдодларга қувонч бахш этди.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари томонидан чизилиб, ҳинд диёрига юборилган расмлар ҳам совринли ўринлар билан тақдирланди. Билим даргоҳининг иқтидорли ўқувчиси Адҳам Ҳамроев ижод намуналари юқори баҳоланиб, халқаро танловнинг олтин медалини қўлга киритди.

Лицей-интернатнинг бошқа уч нафар умидли ёш рассомлари ҳам кўрикнинг совринли мукофотларига эга бўлди.

Бу мукофотлар Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ғолибларга тантанали равишда топширилди.

**А.АЛИЕВ.**

*Санъат халқ билан*

## ОРОМБАХШ НАВОЛАР

***Қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, эстетик тарбияга эътиборни кучайтириш ва умумтаълим мактаблари учун малакали мусиқа ўқитувчилари етиштириш мақсадида олти вилоятда, хусусан, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Урганч, Наманган ва Фарғона шаҳарларидаги педагогика институтлари қошида мусиқа - педагогика факультетлари (бўлимлари) очилган эди.***

Ўзбек маданияти ва санъати факультети дастлаб тарих—география факультети қошида мусиқа ва ашула бўлими сифатида фаолият кўрсатган бўлса, 1980 йилга келиб, мустақил мусиқа — педагогика факультети мақомини олди. Фарғона педагогика институти замирида Фарғона Давлат университети ташкил этилгандан кейин эса ўзбек маданияти ва санъати факультетига айлантирилди ҳамда унга халқ артисти Муккаррама Турғунбоева номи берилди.

Ўзбек маданияти ва санъати факультетида эндиликда мусиқа ўқитувчиларигина эмас, балки жойларда маданий—маърифий ишларни ташкиллаштирувчилар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари — хор, оркестр ва ансамбл етакчилари, бадиий безакчилар, шунингдек, театр ва филармониялар учун ашулачи, созанда каби мутахассислар ҳам тайёрланмоқда.

Факультетда ҳозирги кунда иккита кафедра ва битта ўқув — илмий тадқиқот лабораторияси мавжуд бўлиб, битта доцент — Ўзбекистон халқ артистлари (Ёрқиной Ҳатамова) каби етук санъаткорлар кўплаб малакали мутахассислар — М. Абдурасулов, З. Кондратенко, Э.Рашидов, А. Нурмуҳаммаджонов, Т. Раҳимов, Л.Расулова сингари тажрибали ўқитувчилар талабаларга мусиқанинг ўзига хос сеҳри, санъат мўъжизаларидан сабоқ бермоқдалар.

Айтиш жоизки, Ҳасанжон Раҳматиллаев раҳбарлик қилаётган ўзбек маданияти ва санъати факультетида малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шарт — шароитлар етарли. Чунончи, маърузавий, амалий, лаборатория ва якка машғулотлар, шунингдек, хор, оркестр, рассомлик машғулотларини олиб боришга мосланган махсус аудиториялар мавжуд. Факультет лабораториясида ўзбек ва рус халқ чолғулари оркестри учун созлар комплекти, техника воситалари, турли кўргазмали қуроллар, ўқув машғулотлари учун керак бўлган воситалар пухта билим олишни дилига жо этган талабалар ихтиёрида.

Шу кунга қадар факультетни 1500 га яқин малакали кадрлар битириб чиқди. Улар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги умумтаълим ва мусиқа мактабларида, маданият бўлимларида, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, шунингдек, давлат театрлари ва филармонияларида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар орасида элга танилган санъаткорлар ҳам талайгина. Тошкент Давлат филармониясининг яккахон ашулачиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар уюшмаси мукофоти совриндори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев, Фарғона Давлат филармонияси бадиий раҳбари ва яккахон хонанда, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси Фарғона бўлими бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган артист Султонали Маннопов, Фарғона вилоят Ю. Шакаржонов номли ўзбек Давлат мусиқали драма ва ҳажвия театри созандаси Отабек Бобожонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Расулжон Бобоев кабилар факультетнинг собиқ талабаларидир.

Санъат халқ билан. Бу қоидага қатъий амал қилингани боис эҳтиром ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Факультет профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан ташкил топган ансамбл, оркестр ва хор жамоалари университет, шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

**И.ҚИРҒИЗОВ,**
**А.УМАРОВ.**

### ПАТ ҲАМ ОЗУҚА

Қушлар патини майда туйиб, кукунини иссиқ буғда димланса, жўжаларга тўйимли озуқ бўлар экан.

Буни тавсия этган Америка мутахассисларининг фикрича, «дамлама пат»да жўжаларга осон ҳазм бўладиган оқсил модда жуда кўп экан.

### УЛКАН МУЗЕЙ

Миср пирамидалари, сайёҳларнинг энг гавжум, зиёратгоҳ жойи ҳисобланади. Қоҳира яқинида бетон, ойна ва пўлатдан яна бир пирамида бунёд этилди.

Баландлиги машҳур Хеопс пирамидасидан қолишмайдиган ва саккиз қаватли қилиб қурилган бу улкан иншоотга Мисрнинг бутун тарихини — биринчи Фиръавндан тортиб то Асувон тўғонининг қурилишигача бўлган даврни ўз ичига олган экспонатлар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат Божхона қўмитаси
металл шкафларни ва сейфларни
етказиб бериш бўйича тендер
эълон қилади.

***Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 5 кун ичида қабул қилинади.***

*Таклифлар муҳрланган пакетларда илова хати билан топширилиши шарт.*

**Маълумот учун телефон: 120-76-60**

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6